



SCIENCE TIME

ЯНГИЛАНАЁТГАН ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ҲИКОЯЧИЛИГИДА ФАЛСАФИЙ-ЭСТЕТИК МУШОҲАДА ТАЛҚИНИ

Давлатмуродов Илҳом Ражапович

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини ўзбек тили кафедраси ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи.

E-mail: rajapovichilhom@gmail.com

Аннотация: *Мазкур мақолада истеъдодли ёзувчи А.Йўлдошевнинг «Пуанкаре» ҳикоясида фалсафий-эстетик мушоҳада, рамзий талқин, ҳаёт формуласини исботлашга уринган қаҳрамон характериға муносабат билдирилди. Жумладан, ҳикояда муаллиф ва қаҳрамон нутқининг бир-бирини тўлдирувчи аҳамият касб этишиға аниқлик киритилди. Ҳикоянинг умумий ва хусусий қирралари тўғрисида, сюжет линиялари, композицион тамойили борасида илмий-назарий хулосалар чиқарилди.*

Калим сўзлар: *гипотеза, сюжет, тил, нутқ, декадентлик, иллюзия, контраст, поэтика, математика, исбот, ҳаёт ҳақиқати, тасвир, талқин.*

Аннотация: *В данной статье рассказ талантливое писателя А.Юлдошева «Пуанкаре» трактуется с философско-эстетической точки зрения, символической интерпретации, реакции на характер героя, пытающегося доказать формулу жизни. В частности, уточнялось, что речь автора и героя в повести имеют взаимодополняющее значение. Сделаны научно-теоретические выводы об общих и частных аспектах рассказа, сюжетных линиях, композиционном принципе.*

Ключевые слова: *гипотеза, сюжет, язык, речь, декаданс, иллюзия, контраст, поэтика, математика, доказательство, реальность жизни, образ, интерпретация.*

Abstract: *The article deals with philosophical and aesthetic thinking, a symbolic interpretation, and a heroic character who seeks to prove his life in the «Puankare» story by a talented writer, A.Yuldashev. In particular, the story reveals the complementary significance of the author and the heroic discourse. Scientific and theoretical conclusions have been made on the general and private features of the story, on plot lines, the principle of composition.*

Key words: *hypothesis, plot, language, speech, decadence, illusion, contrast, poetics, mathematics, proof, reality of life, image, interpretation.*

КИРИШ.

Жорий наср бадий такомлида шаклий-услубий изланишлар бўй кўрсатаётганини адабий жамоатчилигимиз яхши англайдилар. Дунё адабий ходисалари кейинги йилларда кўпроқ эпик шаклининг йирик жанрларида эмас, ихчам ҳикоя жанрларида ҳам намоён бўлаётгани эътироф этилган ходисадир.

МЕТОДЛАР.



SCIENCE TIME

«Истиқлол йилларида эмин-эркинлик шарофати билан кўплаб ижодий изланишларга кўл урилмоқда. Яратилаётган анъанавий ифода усулидан фарқли равишда замон ва макон чегараларини бузиш, асар воқеаларини шакллантиришда турли-туман ижодий усуллардан – реинкарнация. Туш, беҳушлик, онгости ва бошқа руҳий ҳолатдаги кечинмалар тасвиридан фойдаланишга эътибор кучайди.

Синкретик тасвир, фольклор мотивларига кенг мурожаат авж олмоқда. Албатта, бундай изланишлар ҳар доим ҳам ўзини оқляптими, деган масала долзарб бўлиб турибди», – ёзади проф. Қ.Қахрамонов. [3. 105] Бунинг иккита жиҳатига эътибор қаратиш лозим: биринчидан, янгиланаётган ифодада инсон шахси тасвирига турли бурчаклардан туриб баҳолаш мустақиллиги кўзга ташланса, иккинчидан, нимани ва қандай инкишоф қилиш манераси устуворлигида намоён бўлади. Шахс инжа сир-асрорларини поэтик нуқтаи назаридан баҳолаш ҳамиша ҳам ўзини оқлаётгани йўқ. Матн таркиби, қисм ва бўлақларда акс эттирилган фалсафий-интеллектуал мушоҳада залворлироқ бўлиши шарт. Чунки услубнинг ўзида жамланган жамики унсурлар полифонияси қоришиқ ифодани реаллашувига олиб бормоқда. Натижада, шахс ва характер тифизлашувида аниқ бир адабий чегарани топиш мураккаблашиб бормоқда. Масалан, Абдуқаюм Йўлдошевнинг «Пуанкаре» ҳикоясини олиб кўрайлик. Ҳикояда макон ва замон тутумларидан баландда тура оладиган «қоинот формуласи»ни еча оладиган, ҳақиқий олам сирларини аниқ тушунадиган Пуанкаре сиймоси таҳлил қилинади. Мақолада истеъдодли ёзувчи А.Йўлдошевнинг «Пуанкаре» ҳикояси таҳлилида рецептив эстетика, психологик ва психоаналитик усуллар татбиқ қилинди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

Ҳикоядаги тасвирланаётган воқелик умуминсоний муаммолар хусусида батафсил маълумотга эга шахс руҳиятига ўқувчини яқинлаштириш бадиий яхлитликни таъминлай олган. Негаки, олам ва одам олдида ўз ечимини кутиб турган мангу саволлар қаршисида ҳамиша жиддий саволлар ҳам ёнма-ён



SCIENCE TIME

яшайди. Ҳикоядаги макон ва замон собиқ иттифоқ даврида ҳукм сурган «онг ювиш» механизмига ҳаддан ташқари берилиши ўша давр манзараларига ойдилик киритилган. Киноя, кесатик, пичинг орқали «ҳазил мутойиба»ни ҳам ўз ўрнида қўллай олган.

Қаҳрамон тийнатига ичдан кириб бориш адиб услубий изланишларининг ҳосиласидир. Ҳар ким ўз келажаги ҳақида ўйлаши асносида бу йиллар бўҳронида ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетиш хавфи чигал муаммоларни ечишга ожизлик қилади.

Ҳикоянинг бошланишиданок, адиб эмпозицияни оддий буюм – портфель воқеаси билан бошлайди. Бир умр илмий иши юзасидан бош котирган, ўзини қизиқтирган «мангу савол» қаршисида хаёлан яшаган, интилган қаҳрамон қалбини мудоми изтироблар қийнайди. Дунё ҳақидаги тугал ҳақиқат, хулосасига эга асар қаҳрамони (Пуанкаре) руҳий изтироблар чангалидан чиқишда ўзига йўл, нурли ҳаёт излаб юради. Аслида, бу жихатдан унга натижадор қисмат буюргангани ўзи билиб турган эса-да, тирикчилик уни ўша муаммоларни ечишга йўл бермайди. Демак, оила ва иш ўртасидаги иккала қутб, иккала зиддият бўлғуси олимни ер билан яксон қилади.

Ҳикояда тасвирланаётган сюжет линиялари икки қисмдан иборат: биринчи воқелик ҳикоя қаҳрамонининг қалбида кечаётган ва ташқи дунё, муҳит билан муроса қилолмаслиги бўлса, иккинчи воқелик Пуанкаре гипотезасининг тарихий илдизлари – олам сирларини билиш, битта формулада дунёнинг шаклу шамойилини англаш тушунчаси қабариб кўринади.

Проф.Д.Тўраев қайд этишича: «Асарнинг бадиий-ғоявий ютуғи, бизнингча, шундаки, қаҳрамон сўнгги нафасигача оламшумул кашфиёти, орзусидан воз кечмайди. Аммо унинг иштиёқ ва интилишини қадрлаш ўрнига шифокорлар ақлдан озган одам сифатида руҳий шифоханага ётқизадилар. Иқтидорли талаба шогирди эса ишончини оқламайди. У ҳам



SCIENCE TIME

уйланади. Бу шогирд ҳам энди рўзгорини ўйлайди, оламшумл кашфиётни орзу қилмайди. Мазкур фожиада қаҳрамон енгилмайди, аммо бошқаларни энгишга ўргатади. Тасвирланишича, қаҳрамон оламшумл кашфиётнинг ечимини топиши учун ўн кун, ўн беш кун соф вақт керак. Шу сабабли хотинига болалари билан ўн икки кун баҳаво жойда дам олиб келишни таклиф қилади. Хотини бу гапга масхараомуз қараб дам олиш эмас, кўпроқ пул топишни ўйлаш, оилани таъминлаб қўйиш, болаларнинг тўйини ўтказиб бериш эрнинг гарданидаги биринчи вазифа эканлигини «тушунтиради» [2. 149-150].

Дарҳақиқат, ҳикоядаги асл мақсад ҳам юқоридаги таҳлилда бир қадар аниқлаштирилган. Лекин илму донишлик истаб бир умр машаққат чеккан олимнинг қалбидаги ҳали англашимиз қийин бўлган залворли мулоҳазалар бисёр. Ёзувчи бизга шу қадар яхлит тасвир мустақиллигини тақдим қиладики, натижада сабаб ва оқибат фалсафасини англашга киришамиз. Ёзувчи А.Йўлдошев «Пуанкаре» ҳикоясида контраст усулидан ҳам маълум маънода фойдаланган. Ёш йигит ва қизнинг тақдирини ўзгартиришга бўлган уринишлар – онанинг таъсири, уйланиш гарданига кўплаб муаммоларни ташлагани, илмий иш юзасидан бирон тайинли маслаҳат бериш ўрнига шахсий манфаатни кўзлаган олим, унинг ютуқларига шубҳа назари билан қараётган жамият ҳам сабабкордир. Бироқ у кучли руҳий босим вақтида ҳам азалий кашфиёти сари бир нав орқага кетишни сира-сира хоҳламайди. Ҳикоядаги киновий эффект ёзувчи илгари сурган идеал ғоя билан узвий боғлиқдир. Адиб ўз-ўзига ачиниш ҳиссини қаҳрамон табиатидаги узил-кесил ўзгаришларга бориб тақайди. Яъни олам сирларини билишга кирган инсонда матонат ва сабот бўлишига ҳам мантиқий ишора қилади:

«Тан олай, болаларимдан умид қилгандим. Ҳар нечук, олма ўз дарахтидан узоққа тушмас. Бироқ рафиқам томонидан сакраш ўжарлик ва қатъият аралаш ишонч билан яратилган «бўшанг, ҳеч ишни эплайолмайдиган, умри чақа санаш билан ўтаётган, бошқаларга ўхшаб



SCIENCE TIME

бундай яхши яшашни ҳам билмайдиган» укувсиз ота орази мен билан фарзандларим ўртасига ўтиб бўлмас хитой деворини ўрнатди. Шунда ҳам анча уриниб кўрдим. Аммо «икс»нинг кубидан оддий ҳосила ололмайдиган, логарифм билан интергалнинг фарқини билмайдиган болалардан буюк математик чиқмаслигини мендек укувсиз катта ўқитувчи ҳам билиб-тушуниб турарди...» [1. 117].

Ҳикояда инсон умидларининг жамият тутумлари сабаб пучга айланиши, изтироблар чангалида эсанкираб қолган қаҳрамон юрагини безвоталаган ҳар қандай воқелик замирида бир-бирига зид ахлоқий тушунчаларнинг топталиши юксак маҳорат билан тасвирланади. Асардаги қаҳрамон биргина ўз калбидан, онги шууридан ўтказган «Коинот формуласи»ни ечимини топишга бўлган жамики хатти-ҳаракатларига хамоҳанг воқелик Т.Маликнинг «Шайтанат» романидаги Анвар тақдирини ёдимизга солади. У ҳам «ўз тарихий гипотезаси»га нукта қўймоқчи бўлади-ю, оқибатда унга жамият, шундай яшашга кўниккан оломон тиш-тирноғи билан қарши бўлади.

Ёзувчи биргина гипотеза исботини таҳлил қилмайди, унга ёндош ҳаёт ва ундаги бани башар олдида турган жуда катта муаммоларни ҳал қилишга диққат қаратади. Асарда қаҳрамон айрим ҳолларда декадентлик кайфиятидан мутлақо чиқиб кетолмайди. Буюк иқтидор эгаларигина ана шундай яшаш шароитига мослашувчан бўлади.

Дунёқарашлар тўқнашувида илмнинг исботига ҳам ҳожат қолмаслигини, уни ёқловчилар сони жуда озчиликни ташкил қилишини мантиқий далолатлаб боради. Модомики, ёзувчи дунё билан фаол муносабатда бўлар экан, ҳаётию фаолиятида, кечираётган кунларида шунақа ёлиб тушкун кайфиятдан чиқиб кетиш мумкин эмаслигига ҳам ўз шахсий кузатуви – ҳаёт формуласи (яшаш ва кўникиш!)ни тадқиқ сахнига олиб чиқди. А.Йўлдошев ҳикояда яна бир муҳим жиҳатга диққат қаратади: дунёда яшаётган минглаб инсонлар тақдирига янги йўл очиб берувчи фаолиятни



SCIENCE TIME

биргина инсон тақдири билан очиб беришни лозим топади. Пировард натижада, ўз формуласига эга тақдири азал – модда ва рух мувозонатига раҳна солади. Интеллектуал капитал, бой илмий ресурсларга эга миянинг ичида кечаётган биологик жараённинг – психологик жараёнга эврилиш ҳодисасига диққат қилишга ундайди. Қаҳрамон биз билан сиздан нимаси билан фарқ қилади? Унинг ожизлиги нимада? У бу руҳий босимдан вақтида қўл силаб кетолмаганидами? Пешанага битилган қисмат олдида ҳар қандай илму урфоннинг муайян ўзгариш ясай олмаганидами? Саволлар ҳам шундай жавобга муҳтож. Аслида, коинот ўз мувозанати сари қурилган формулага эга.

Унинг аралашиб кетган «мен»ида шахс инқилоб яшагга қодир эмас. У ўзини англагани сари – ҳаёт формуласини (гипотезаси)ни ҳам англашга қодир куч топади. У ўз ишига муҳаббат билан қарар экан, Ватан ва оила олдидаги муҳаббатидан ҳам тонмайди. Бу унинг ҳаётдаги энг муҳим хулосаси сифатида намоён бўлади. Ёзувчи вазиятни баҳолар экан, ўз шахсий-интим кузатувларини ҳам ровий нутқи ёрдамида асар сюжетида сингдиришга ҳаракат қилади. Асарда ҳикоячи нутқи билан муаллиф нутқи қоришиб кетган. Демак, талқин ва таҳлилни бошқараётган мулоҳаза давомийлиги ўзига хос барқарор хотима томон силжийди.

Ёзувчи ҳикоядаги бошдан-оёқ гоҳ киноя, гоҳ реал, гоҳ одатий мулоқотга асосланган нутқий бирикмаларни ифодалаганда қаҳрамоннинг ҳадик ва хавотир жулфган мунгли кўзлари олдимизда намоён бўлади:

«Ҳаёт мен учун ўз маъносини йўқотди.

Аммо бу ҳали ҳолваси экан. Тез орада сайтда Перельманнинг гипотеза ечими ифодаланган мақолаларини эълон қилишди. Э, Худо, бу нима деган гап? Менга яна қандай жазоинг бор? Қачонгача устимдан куласан? Ахир... ахир бу тўсон тўққиз бутуну юздан тўқсон тўққиз фоиз менинг ечимим-ку!!! Ахир мен тўғри йўлдан борган эканман-ку. Сўнги ноль бутун юздан бир фоиз иш қолган экан-ку! Бир ойгина, йўқ, йўқ, кўпи билан бир ҳафтагина кимираммай ўтириб илм қилганимдаги, гипотезани ўзим исботлаган



SCIENCE TIME

бўлардим. Агар зукко талаба ҳам ёнимга кўшилганида, эхтимол, ибргалашиб бу ишни янада тезроқ ниҳоясига етказардик... Ахир озгина қолган экан-ку... Озгинагина қолган экан-ку...» [1. 129].

Мазкур лавҳада ёзувчи ҳикоянинг энг муҳим кульминацион нуқтасини тасвирлайди. Ровий-қаҳрамон бирлиги нутқий манерани тартиблаштиради. Ҳикоя сюжетига дахлдор фалсафий-мушоҳада талқини ана шу ерда ўз якунига етади. Кейинги тафсилотлар ёзувчининг шахсий-интим кузатувлари сифатида ниҳояланади. Бироқ қаҳрамон бу исбот билан ҳам тиниб-тинчимай, кўнгли тўлмайди. Негаки, ҳақиқат у томонда эканлигини исботлашга уринган олим тийнатида ажиб ўзгаришлар рўй беради. У ўзининг тугал исботини айтишга ийманмайди. Унинг соф ва бағрикенг қалбида барқ урган муҳаббат ҳаёт учун курашга чорлайверади.

Асардаги бутун бошли футуристик кайфият қаҳрамон руҳиятини янада мукаммаллаштиришга қаратилганлиги билан ўлчанади. Футуристлар эскиликни янгилашга, ихтирони гўзал тарзда бунёд этишга бел боғлаган «ҳақ томонда турувчи кучли одамлар»дир.

Яна бир муҳим жиҳати А.Йўлдошевнинг «Пуанкаре»си, Лев Толстойнинг «Иқрорнома», Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат», Исажон Султоннинг «Боқий дарбадар», Улуғбек Ҳамдамнинг «Ҳайкаллар ороли» каби асарларидаги ҳаёт ҳақидаги узил-кесил фалсафий-эстетик қарашларига муносиб тасвир иллюзиясини келтириб чиқарган. Натижада, ҳикоя қаҳрамони (олим) ўз олами ичра яшаган, дунёнинг моҳиятини маълум маънода англаган чинакам маърифатпарвардир.

ХУЛОСА.

Аниқ фанлар чегарасида туриб, дунёга романтик нигоҳ ташлай олган ёзувчи А.Йўлдошев фалсафий мушоҳадаларида кенг қамровли интеллектуал мулоҳаза давомийлиги кузатилади. Ўзининг шахсий кузатувларини ҳам ҳикоя хотимасида келтириб ўтганидек, «Ҳаёт - Пуанкаре» деган хулосага келади. П.Коэлонинг «Алхимик» асаридаги хазина излаб йўлга чиққан



SCIENCE TIME

Санъятгонинг борлиқ ҳақидаги қарашларида ҳам минглаб пуанкарелар яшайди. Демак, ёзувчининг ўқувчига айтмоқчи бўлган энг асосий сўзи, ҳикмати ҳам шу аслида.

АДАБИЁТЛАР:

1. Йўлдошев А. Пуанкаре. –Тошкент, Академнашр. 2019. –Б.117.
2. Тўраев Д. Рангин тасвирлар жилоси. –Тошкент, Академнашр. 2014. –Б.149-150.
3. Қахрамонов Қ. Йил қиссачилиги: изланиш ва эврилишлар// Шарқ юлдузи. 2018. №8. –Б.105.